# ШАРТНОМА № 2
(Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш тўгрисида)

"03" 11 . 2022 йил                                                                 Фаргона шахри

**"ПУДРАТЧИ":** Низом асосида фаолият кўрсатувчи Риштон тумани **"OLTIARIQ DESIGN"** хусусий корхонаси номидан корхона директори **Эркабоев.Д** бир тарафдан "Фаргона вил ИИБ ЖХХЮХХБ ИТМБ" номидан узининг низоми буйича иш юритувчи Д Ахмедов Б иккинчи тарафдан куйидаги шартларга ўзаро келишдилар:

*1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:*

*Шартномада куйидаги асосий тушунчалар кулланилган:*

А) **Лойиха-смета хужжатлари** - курилишни ёки объектни кайта куриш ишларини техник маълумоти ва смета кийматини белгилаб берувчи хужжатларнинг умумлашмаси.

Б) **Лойиха топшириги** – лойихалашнинг дастлабки боскичи натижаси булиб, лойиланаётган объектнинг имконияти ва максадга мувофиклигини аниклайдиган хамда асосий техник маълумотларни белгилайдиган хужжат.

*В) **Бошлангич маълумотлар** – ер танлаш далолатномаси, ер учусткасини ажратиш тугрисидаги тегишли хокимлик карори, ер участкасини олиш-сотиш ёки ижарага олиш тўгрисидаги шартнома, Архитектура-режалаш топшириги, тегишли ташкилотлар ва бошкарув органлари билан келишувлар.*

*2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:*

*2.1 ПУДРАТЧИ ўз зиммасига БУЮРТМАЧИнинг топширигига кўра,* "Фаргона ш, Кўкон ш, Марғилон ш, Нурли маскан" объекти бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқади

*3. ШАРТНОМА БАХОСИ*

3.1. Шартнома **17 850 000** (ун етти миллион сакизюзи эллик минг) сўмни ташкил килади.

*3.2. Шартноманинг бахоси тарафларнинг келишувига асосан бажариладиган ишлари хажми ўзгарганда, инфляция окибатларига кўра ёки нарх навонинг ошиши натижасида ўзгариши мумкин.*

*2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ*

4.1 БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИ га бажарилиши кўзда тутилаётган ишлар юзасидан шартнома бахосининг **30 фоизи** микдоридаги тўловни олдиндан, шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича охирги тўлов лойиха хужжатлари тайерлани БУЮРТМАЧИ га топширилгандан сунг узоги билан 10(ун)кун муддат ичида амалга оширилади.

4.3 Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

*5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ*

5.1. ПУДРАТЧИ ушбу шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартноманинг 4.1.-бандида кўрсатиб ўтилган тулов амалга оширилган кундан бошлаб 45 кун ичида бажаради.

5.2. ПУДРАТЧИ лойиха ишларни бажариш чогида мазкур ишларни давом эттириш аник салбий натижа беради ёки максадга мувофик эмас деган карорга келса, ишларни бажаришни тўхтатиб, бу хакда ўн кунлик муддат ичида БУЮРТМАЧИга ёзма равишда хабар беради. Мазкур холатда тарафлар 15 кунлик муддат ичида ПУДРАТЧИ нинг фикр ва мулохазаларини урганиб чикишади ва ишларни давом эттиришлик ёки тўхтатишлик хакида ўзаро тўхтамга келишади. Ишлар ПУДРАТЧИ ихтиёрига боглик бўлмаган холатлар натижасида тўхтатилган такдирда БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИ томонидан амалга оширилган барча харажатларни тулик равишда коплайди.

5.3. ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИга тайёрланган лойиха хужжатларини топшириш-кабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура оркали топширади.

5.4. БУЮРТМАЧИ топшириш-кабул килиш далолатномасини уч кунлик муддат ичида имзолаб нусхасини ПУДРАТЧИга кайтаради.

Scanned with CamScanner

5.5. Тайёрланган лойиха БУЮРТМАЧИ томонидан экспертизага такдим этилиб ва экспертиза тамонидан, лойиха-смета хужжатлари юзасидан кўшимча таклифлар билдирилганда ёки маълум бир камчиликлар кайд этилган такдирда ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИ билан ўзаро келишув асосида билдирилган камчиликлар ва таклифларни ўрганиб чикади. Агарда билдирилган таклифлар ва кайд этилган камчиликлар асосли булиб, уларни тузатиш зарур булган такдирда лойиха хужжатларини ПУДРАТЧИ тамонидан тузатиб беради.

5.6. Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва "31" __12__ 2022 йилга кадар амалда бўлади.

*ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

*6.1. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

6.1.1. Ишларни БУЮРТМАЧИ такдим этган лойихалаш топшириги ва бошка бошлангич маълумотларга мувофик тайёрлаш;

6.1.2. Тайёр бўлган лойиха хужжатларини БУЮРТМАЧИ билан келишиб олиш, шунингдек БУЮРТМАЧИ билан биргаликда тегишли давлат органлари ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари билан келишиб олиш;

6.1.3. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини БУЮРТМАЧИ нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик.

6.2. *БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

*6.2.1 ПУДРАТЧИ га лойихалаш топшириги ва бошка бошлангич маълумотларни (1 илова) шартнома тузилган вактдан бошлаб 3 кунлик муддат ичида топшириш. Лойихалаш топшириги ва бошка бошлангич маълумотлар ўзгарган такдирда бу хакда ПУДРАТЧИ ни дархол огохлантириш;*

*6.2.2 ПУДРАТЧИдан олинган лойиха-смета хужжатларидан факатгина шартномада назарда тутилган максадларда фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини ПУДРАТЧИ нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва ундаги маълумотларни ошкор килмаслик;*

*6.2.3. Лойиха-смета хужжатларини тайёрлашда шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда ПУДРАТЧИ томонидан куйилган талабларни бажариш;*

*6.2.4. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини тегишли давлат органлари ва ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари билан келишиб олишда ПУДРАТЧИ билан бирга катнашиш;*

*6.2.5. ПУДРАТЧИ га боглик бўлмаган холатлар туфайли, лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун, бошлангич маълумотлар ўзгариши муносабати билан боглик кўшимча харажатларни ПУДРАТЧИ га тўлаш;*

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

*7.1. Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбариятларини ўз вактида ва сифатли бажарилишини таъмин этмасалар ишлар бажарилмаган, хак ўтказилмаган, хизмат кўрсатилмаган хар бир кун учун бажарилмаган иш суммасининг ёки ўтказиб берилмаган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайдилар.*

7.2. Пеня тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилган хукукни бартараф этишдан озод этмайди.

*8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ:*

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боглик пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар Фаргона вилоят иқтисодиёт суди оркали хал этилади.

8.2. Мазкур шартномада белгиланмаган ва кайд этилмаган масалалар амалдаги конунчилик актлари асосида хал этилади.

Scanned with CamScanner

## 9. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга булади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарлар тўлик копланган сўнг амалга оширилиши мумкин.

9.3. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

9.4. Шартномага куйидаги хужжатлар илова килинади ва улар шартноманинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади:

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“П У Д Р А Т Ч И”**

**«OLTIARIQ DESIGN» хусусий корхонаси**

Манзили: Фаргона ш. Мустакиллик кучаси 83
Х/р – 2020 8000 4047 3333 5001
МФО – 01003
Банк - АТБ “Хамкор банк” Кувасой филиали
ИНН - 300 935 362
ОКОНХ – 66000, телефон – 226-01-50.

**Д. Эркабоев**

“__” __ 2022йил.

**“Б У Ю Р Т М А Ч И”**

“Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ МЭМ б ”

Фарғона шаҳар Университет-37
х/р: 40101086030401703Н01179007
МФО: 00014
Марказий банк Тошкент
ИНН: 30...

Ахмедов

“__” __ 2022 йил.

**ЮРИДИК ХУЛОСА**

Ушбу тузилаётган шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12 сентябрь куни 395- сонли Карори ва бошка конун хужжатларига асосан тугри тузилган. Шартномадаги шартлар, жумладан, тарафларнинг моддий жавобгарликлари масаласи амалдаги конун хужжатларига мос келади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, шартномани тузиш ва имзолаш мумкиндир.

03.11 20 22 йил Хукукшунос: ____

Scanned with CamScanner